O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ушбу сонда:

2 МУДРОҚЛИК “СИЙЛОВИ”

3 ЎН УЧ ЙИЛЛИК МОЖАРО — унга ким нуқта қўяди?

4 ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — ёки хорижий давлатларнинг инвестиция қонунчилигига бир назар

АЁЛ ЎЧ ОЛАМАН ДЕСА...

MEZON:

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессияларо тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

«АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 36 (343)
2003 йил
16 сентябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol imkoniyatlari

ИСТИҚБОЛ ТАРОЗУСИ

Тарих — буюк тарбиячи, дейдилар. Чиндан ҳам, ўтган ҳар бир кун, ҳар бир йил ўзининг қайсидир жиҳати билан кишига сабоқ беради, уларнинг сарҳисоби эса муайян хулосаларга олиб келади.

“Тарих истиқболнинг тарозусидир, ҳар ким ўлчасун-да, билсун!”, дейди буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий. Истиқлол боис номи, фаолияти рўшнолик кўрган миллатсевар бобомизнинг таъкид билан айтган бу доно гапи уни тушунган одамни бир қадар сергак тортирса, ажаб эмас. Зотан, халқнинг шундай содда ва айни дамда теран ҳикмати ҳам бор: “Нима эксанг, шуни ўрасан”.

Дарҳақиқат ўтган ўн икки йиллик Истиқлол даври катта орзу-умидлар, улуғ мақсадлар, улкан режалар даври бўлди. Шу маънода фарзандлари, невараларининг бахт-саодатини ўйлаб, кўчат ўтқазаётган отанинг кўнглидан ойдин хаёллар кечаётгани аниқ. Чунки қадаётган ниҳолининг барқ уриб унишига, сархил мевалар беришига ишонч унга куч-қувват бағишлайди, орзуларига қанот беради.

Мустақиллик йиллари мобайнида орттирган тажрибаларимиз, юртимизда юз кўрсатган ўзгариш ва янгиланишлар, эришган ютуқларимиз бир ҳақиқатдан далолат бериб турибди: озод юртимизнинг эртасига ишонч барқарор. Бу ишонч ҳаммадан кўпроқ ёш авлоднинг ғайратшижоатида, унинг ҳаётга ташналигида, илму маърифат ва соғлом турмуш сари ташланаётган ўктам одимларида кўриниб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов маърузаларидан бирида таъкидлаганидек, **“Биз беозор ва мўмин халқмиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Оллоҳга шукрлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз. Бу яхши. Аммо мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт”.**

Мустақиллик йилларида “Куч — билим ва тафаккурда” деган шиор остида амалга оширилган улкан ишлар айни шу ёш авлоднинг бизданда фаровон турмушини таъминлашга қаратилди. Ўн икки йил мобайнида Истиқбол тарозусининг тош босадиган ютуқларидан бири ҳам шудир. Зеро, фаровон, қудратли мамлакатлар ибрати илм-фан, ақл-заковат, маърифатнинг ҳал этувчи аҳамиятга эгалигини яққол кўрсатиб турибди.

“Мактаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидир. Ҳар миллат, энг аввал, мактаби ибтидосини замонча ислоҳ этиб кўпайтирмагунча тараққий йўлига кириб, маданиятдан фойдаланмас”, деган эди аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий. Авлодлардан суяк суриб келаётган бу юксак эътиқод мустақиллик йилларида давлат сиёсатининг устувор соҳаси даражасига кўтарилди. Таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани бизга жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган қудратли давлатлар қаторига киришга йўл очиши тайин.

Ҳозирги замонда ҳар бир давлат ва миллатнинг мавқеи унинг фуқаролари билими, интелектуал ва маънавий салоҳиятига боғлиқ экани сир эмас. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилинаётгани Ватанимиз эртасининг мустаҳкам пойдевори сифатида талқин этилаётирки, шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар янги тарихимизда муносиб тарзда қайд этилади. Дарҳақиқат, бу миллий дастур фақат таълим-тарбия жараёнини эмас, балки шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг узвийлигини, ўзаро боғлиқлигини таъминлаши билан замонавий ва ғоят муҳим аҳамиятга моликдир.

Мустақиллик янгича яшаш талабини қўйди. Янгича фикрламасдан, дунёқарашни ўзгартирмасдан янгича яшаб бўлмаслиги кундай равшан. Ана шундай замонавий талабларга ўз вақтида зарур тадбирлар билан жавоб топиб, “тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозаси” — мактаб-маорифни ислоҳ этиб, ривожланишнинг катта йўлига кириб бораётганимизнинг ўзи Истиқлолимизнинг энг улкан зафарларидан биридир.

Хуллас, Истиқбол тарозусида тош босадиган ана шундай ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, улуғ француз адиби Стендал таъбири билан айтганда, улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлмаган халқнинг келажаги чиндан буюкдир.

Аҳмад ОТАБОЕВ

Sharh

МАНФААТ ВА ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТИ

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳукуматимиз томонидан шартнома муносабатларини тартибга солиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, шартномавий муносабатларда қишлоқ хўжалиги махсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида кўплаб қонун хужжатлари қабул қилинган бўлса-да, шартномаларни тузиш, уларнинг ижросини таъминлашда айрим тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналарининг мансабдор шахслари томонидан кўплаб қонунбузиш ҳолатлари содир этилмоқда. Хусусан, шартномаларни тузишда унинг асосий шартлари, яъни маҳсулот бахоси, шартноманинг умумий суммаси, шартнома бўйича махсулот етказиб берувчининг манфаатдорлигини белгиламаслик, жавобгарликнинг нотенглигини белгилаш ёки умуман белгиламаслик, мажбуриятларнинг аниқ бажарилиш муддатларини кўрсатмаслик каби камчиликлар ҳанузгача давом этмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, шартномаларнинг ижроси, айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, улар билан етказиб берган маҳсулотлари учун ҳисобкитобларнинг амалга оширилиши қониқарсиз аҳволда. Тайёрлов корхоналари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома шартлари мунтазам равишда бузиб келиниб, уларнинг моддий манфаатларига путур етказилмоқда.

Маҳсулоти учун тегишли ҳақини йиллаб ололмасдан келиши деҳқон ёки фермернинг шартномага, қоларверса, мажбуриятни бажаришдан манфаатдорликка бўлган ишончига путур етмайдими?

Бундай қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг 2003 йил 24 мартда қабул қилинган **“Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги** Фармонида қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тузиладиган барча турдаги шартномаларда қуйидаги шартларнинг аниқ белгилаб қўйилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ишлаб чиқариш муносабатларидаги устувор мавқеи;

Иккинчидан, томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

Учинчидан, маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда шартнома бўйича ўзаро ҳисобкитобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;

Тўртинчидан, шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳиятини бош вазифа — асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш;

Бешинчидан, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш.

Фармонда алоҳида қайд этиб ўтилган ушбу шартларни шартномавий муносабатларга киритиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштирувчилар билан тузиладиган шартномалар бўйича муносабатларни тартибга солувчи Низомлар қайта ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябр кунги 383-сонли қарори билан тасдиқланиб кучга киритилди.

Ушбу қарор 6 та банддан иборат бўлиб, унинг биринчи банди билан **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”**ги Низом тасдиқланди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

АППЕЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ ШАРТЛАРИ

Одил судловни амалга ошириш жараёнида аппеляция инстанциялари муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида аппеляция учун асос бўлиб хизмат қилувчи ўн еттита тамойил белгилаб қўйилган. Уларда аппеляция инстанциясининг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топган. Қуйида ана шулар ҳақида фикр юритамиз.

1. Суд қарорлари устидан шикоят қилиш эркинлиги

Ушбу тамойил мамлакатимиз Конституциясининг 35—44-моддалари, шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенг асосида амалга оширилиши (16-модда), ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш (24-модда), суд ишларининг юритишда тортишув (25-модда) каби қоидаларда ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, аппеляция шикояти бериш эркинлиги процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлайди ҳамда иккинчи инстанция суди фаолиятининг самарадорлигининг муайян маънода олдиндан белгилаб беради. Аппеляция шикоятининг ўзига хос хусусияти шундаки, шикоят тўғридан-тўғри ишни иккинчи инстанция судига ўтказади. Бошқача қилиб айтганда, аппеляция шикояти аппеляция инстанцияси учун ишни ташувчи вазифасини ўтайди. Шикоят берувчининг ташаббусисиз юқори суд қуйи судлар кўрган ишга аралашиб, йўл қўйилган хато ва қонунбузилишларнинг бартараф эта олмайди.

Жиноят процессуал қонунчилигида аппеляция тартибида тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳамда уларнинг билдириш доирасини кенг маънода шарҳланган. (ЖПКнинг 497^2-497^3-моддалари).

(Давоми учинчи бетда)

Ijro mas`uliyati

ТАҚДИМНОМА — БОШҚОТИРМА ЭМАС!

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тақдимнома бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Тегишли идораларга тадимномалар киритилиши натижасида юз берган қонунбузилиши ва уни келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитлар бартараф этилади.

Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳокимлик, хўжалик ва бошқа давлат идоралари мутасаддилари бу қонуний ҳужжат талабларини бажариш ўрнига унга нисбатан беписандлик билан муносабатда бўлишмоқда. Шу ўринда фикримизни асослаш учун мисолларга мурожаат этайлик.

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги А.Икромов номидаги жамоа хўжалигидан фуқаро С.Ўрозалиев ва бошқаларнинг вилоят адлия бошқармасига хусусийлаштирилган 12,8 гектар боғлари қуриб қолгани учун бузилиб, ер майдонлари олиб қўйилгани ҳақида ариза билан мурожаат қилиб, ёрдам беришни сўрашган.

Аризада қайд этилишича, Тошкент вилояти ҳокимининг 1995 йил 18 майдаги 133-сонли қарорига асосан Оққўрғон туманидаги А.Икромов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги 22 гектар боғлар сотиш учун очиқ «кимошди» савдосига қўйилган. 1995 йил 28 июлда ўтказилган очиқ «кимошди» савдоси ғолиби бўлган М.Ўрозалиев ва бошқаларга жами 18.9 гектар боғлар Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали орқали шартнома асосида сотилган. Бундан ташқари, А.Икромов номидаги жамоа хўжалиги раҳбари А.Кўчқоров билан ҳам олди-сотди шартномаси тузилган.

Шунингдек, келишилган маблағ тўлиқ тўланиб, боғларни ери билан бирга қабул қилиб олингач, ер эгаларига шахсий мулк эгалигини тасдиқловчи давлат ордери ҳам берилган.

Шундан сўнг М.Ўрозалиев ер солиғини тўлаб, боғ парваришини бошлаб юборган. Барча ишлар рисоладагидек кетаётганди. Аммо 2002 йилнинг декабр ойида кутилмаганда изғирин бошланиб, қалин қор ёғиши оқибатида жами 18,9 гектар боғнинг 12,8 гектарини совуқ уриб, дов-дарахтлари қуриб қолади.

Туман ҳокимлиги ана шу 12,8 гектар ерни сувли ер ҳисобига ўтказиш ва ўзининг 1995 йил 4 сентябрдаги 3/2 сонли **“Боғларни хусусийлаштириш тўғрисида”**ги қарорини бекор қилиш ҳақида 2003 йил 25 апрелдаги 210-сонли қарорини қабул қилади.

Рўй бериб ўтган воқеа ана шундан иборат. Хўш, бу ерда ким ҳақ-у, ким ноҳақ?

(Давоми иккинчи бетда)

“ИНСОН ва ҚОНУН”га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Вилоят прокуратураси томонидан газетада чоп этилган “Туғамаётган танлов” мақоласи юзасидан Навоий вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилган Хатирчи тумани ҳокимининг “Назар бобо” фермер хўжалигига қўшимча равишда узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисидаги 12.04.2002 йилги К-288-сонли ва “Қудрат Шамс” фермер хўжалигининг Низомини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги 16.04.2002 йилги К-323-сонли қарорларини ҳақиқий эмас» деб топиш тўғрисидаги хўжалик ишлари ўрганиб чиқилди.

Вилоят хўжалик судининг мазкур хўжалик ишлари юзасидан қабул қилинган 09.07.2002 йилги 05/443-сонли ва 10.09.2002 йилги 02/552-сонли ҳал қилув қарорлари билан Вазирлар Маҳкамасининг **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори талаблари бузилгани аниқланиб, шу йилнинг 10 сентябр куни ушбу ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига 2 та кассация протести киритилди.

Б. ШОМИРЗАЕВ,
Навоий вилояти прокурори

* * *

Газетанинг шу йил 1 июлдаги 26-сонида чоп этилган “Бўғдой пишганда келинг...” сарлавҳали мақоласида қайд этилган ҳолатлар Ангор туман ҳокимлиги ва тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, 2000 йилнинг 18 сентябрида Ангор туман ҳокимлиги ва “Омад” маъсулияти чекланган жамият ўртасида 14-сонли шартнома тузилган бўлиб, шартнома асосида бажарилган ишнинг қиймати 8,511 миллион сўмни ташкил этган. Мазкур шартнома асосида бажарилган ишга тўланадиган ҳақни ундириш мақсадида иш бажарувчи — “Омад” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган даъво аризаси Шеробод туманлараро фуқаролик судида кўриб чиқилган. Даъвогар — “Омад” масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Ч.Турсуновнинг даъво аризасидан воз кечгани туфайли фуқаролик ишини иш юритишдан тўхтатиш ҳақида фуқаролик суди жорий йилнинг 26 февралида ўз ажримини чиқарган.

Маълум вақт ўтгандан кейин “Омад” масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Ч.Турсунов ўзининг фуқаролик судида ёзма равишда билдирган фикрларидан тониб, вилоят адлия бошқармаси орқали Шеробод туманлараро фуқаролик судининг 2003 йил 26 февралидаги ажримини бекор қилишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти кассация инстанция судига хусусий шикоят билан мурожаат қилган.

Вилоят адлия бошқармаси “Омад” масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шу йилнинг 21 апрел куни киритган хусусий шикояти фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти кассация инстанцияси судида шу йил 13 июн куни кўриб чиқилган ва Шеробод туманлараро фуқаролик судининг 2003 йил 26 февралдаги ажримини бекор қилиб, қайта биринчи инстанция судида кўриб чиқиш бўйича ўзининг қарорини қабул қилди.

Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди томонидан ушбу иш қайта кўриб чиқилмоқда.

Х. РАМОЗОНОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари

Ajab savdolar

ҚАРОР ОРТИДАГИ ҒАЛВА

Шаҳарда қурилиш учун ажратиладиган ҳар бир қарич ер ўлчовли. Шу боис бу борада чалкашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Аммо Термиз шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга қурилиш учун ажратилган ёки уй-жойга муҳтож инсонларга берилаётган турар-жойлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Бунинг сабабини қуйидаги воқеалар мисолида ҳам билиб олиш мумкин.

Термиз шаҳридаги “Ад-Ирина” хусусий фирмасига 25 ўринли ресторан қурилиши учун шаҳар ҳокимининг 1998 йил 10 март куни чиқарилган 204-сонли карорига асосан Ат-Термизий номидаги кўча ҳудудидан 0,06 гектар ер майдони ажратиладиган бўлди. Шундан сўнг фирма бошлиғи И. Айларова бу ер майдонида қурилишни жадал суръатда бошлаб юборди. Бироқ қурилажак бинонинг пойдевор ва деворлари тикланган пайтда шаҳарнинг собиқ бош меъмори Б. Шойимқулов 39-сонли талабномаси орқали вилоят ҳокимлиги йиғилиш баённомасига асосланиб фирма бошлиғи И. Айларовадан қурилиш ишларини тўхтатиш ва қурилган бино деворларини бузиб, ер майдонини тозалаб қўйишни талаб қилади. Тўсатдан пайдо бўлган бу талабномдан норози бўлган фирма бошлиғи бир йил давомида бир неча марта шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилиб, қурилишни давом эттиришга рухсат сўрайди. Бироқ тадбиркорнинг барча саъй-ҳаракатлари беҳуда кетади. 2001 йилнинг 15 март куни 203-сонли қарор чиқариб, шаҳар ҳудудидаги ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланмаганини рўкач қилиб, фуқаро И.Айларовага ер ажратиш тўғрисида чиқарган қарорини бекор қилиб, ер майдонини фуқаро С.Жавлиевага олиб берди.

Ваҳоналки, фуқаро И. Айларова ўзига ажратилган ер майдонида бўлажак бино қурилишини бошлаб қўйган, бино деворлари қад кўтаргандан сўнг шаҳар бош меъморининг талабига кўра қурилишни тўхтатган эди. Чала қолган қурилиш ер майдони орадан 13 ой ўтгач, бошқа кишига ноқонуний олиб берилган.

“Ад-Ирина” хусусий фирма бошлиғи И. Айларова шаҳар бош меъмори вазифасини бажарувчи Қ. Эшматов ҳузурига бориб, ундан қурилишни тўхтатиш тўғрисидаги 39-талабноманинг нусхасини беришни сўраганда, унга бундай талабнома шаҳар меъморчилик бошқармасида мавжуд эмаслигини ва у рўйхатдан ҳам ўтмаганини билдирган.

Вилоят адлия бошқармаси И. Айларованинг аризасига биноан бу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, шу йилнинг 25 апрел куни шаҳар ҳокимлигига “Ад-Ирина” хусусий фирмасига 0,06 гектарлик ер майдонини қайтариб бериш, айбдорларга тегишли жазо чораларини кўриш хусусида тақдимнома киритди. Бироқ тақдимномага шаҳар ҳокимлиги ҳеч қандай чора кўрмади.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсак: шаҳар ҳудудидаги ҳар қандай қурилиш расмий ҳужжатлар ва лойиҳасиз амалга ошмаслигини эътиборга олсак, тадбиркор И. Айларова бино қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга анчагина маблағ сарфлаган.

(Давоми иккинчи бетда)

ТАҚДИМНОМА — БОШҚОТИРМА ЭМАС!

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни айтиш керакки, вилоят адлия бошқармаси ходимлари аризада келтирилган важларни жойига чиқиб ўрганганда туман ҳокимлиги фуқароларга мулк сифатида сотилган боғ ерларини сувли ер майдонига ўтказиш ҳақида ноқонуний қарори қабул қилгани маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, адлия бошқармаси томонидан Оққўрғон тумани ҳокими Т.Ботиров номига шу йилнинг 1 июн куни 06-1/1540-сонли тақдимнома киритилди. Унда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 23-моддаси 2-қисми, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли, 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорларига асосланиб туман ҳокими ўзининг 2003 йил 25 апрелдаги 210-сонли қарори ноқонуний бўлгани сабабли бекор қилиши лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, жабрланувчиларга ўз фаолиятини давом эттириб, янги боғ барпо этиши учун имконият яратиб бериш, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан ўз ваколати доирасида тегишли чора кўриш сўралганди.

Афсуски, орадан қарийб 3 ой ўтган бўлишига қарамай, туман ҳокимлиги мазкур тақдимномага жавоб беришни пайсалга солиб келмоқда. Аслида тақдимнома бошқотирма эмаски, уни бажариш қийин бўлса...

Шундан сўнг бир неча марта огоҳлантиришлар натижа бермагач, сентябр ойининг бошларида вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Қ.Шербоев масаланинг ечимига нима халақит бераётганини аниқлаш мақсадида Оққўрғон туманига борди. Мазкур масала юзасидан туман ҳокимининг биринчи муовини А.Раимқуловнинг жавоби қисқагина бўлди: **«Бу масалани ҳали ўрганяпмиз...»**

Ҳаётда ҳар бир дақиқа ғанимат. Аро йўлда қолган боғбонлар нима қилишни билмайди. Оққўрғон ҳокимлигидаги мутасаддилар эса бусиз ҳам кундек равшан масалани яна қанча вақт ўрганади, буни ҳам ҳеч ким билмайди.

Афсуски, тақдимномага ўз вақтида жавоб бермаслик ягона ҳодиса эмас.

Гап шундаки, яна шу тумандаги "Гулистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Мавлонов номига киритилган 06-1/772-сонли тақдимнома шу йилнинг 25 мартидан буён қонунбузилиш ҳолатлари ўз ечимини топмагани учун жавоб берилмасдан сарғайиб ётганига нима дейсиз?! Туман ҳокими уч ойдан буён тақдимномага жавоб тополмаганда ширкат хўжалиги раҳбари қарийб ярим йилдан бери оғзига "мум" солиб ўтирган бўлса, нима қилибди?!.

Бироқ шу нарса аниқки, контрактация шартномалари тузишдаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тақдимномада аниқ кўрсатилган камчилик ва хатолар ўз вақтида тузатилса, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Янгийўл туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги раиси А.Ҳожимуҳаммедов номига киритилган тақдимнома 2003 йил 14 майда тузилган ва жўнатилган эди.

Лекин орадан 4 ойдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, унда келтирилган 5 та қонунбузилиш ҳолатлари ҳануз бартараф этилмаган. Жумладан, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"** Қонуннинг 11-моддаси талабларига зид равишда Янгийўл пахта тозалаш заводига 1.415 тонна пахта хомашёси етказиб бериш ҳақида 2002 йил 24 декабрда тузилган контрактация шартномаси завод раҳбари томонидан, 180 гектар ердан 765 тонна бўғдой етиштириш ҳақида оила пудратчи У.Мусабоев билан 2002 йил 14 сентябрда тузилган 12-сонли шартнома ширкат хўжалиги раҳбари томонидан, 12 гектар ердан 33,6 тонна пахта хомашёси етиштириш учун 2003 йил 10 февралда тузилган 3-сонли шартнома оила пудрати бошлиғи Ш.Умурзоқов томонидан имзоланмаган.

Ijro mas`uliyati

Бундан ташқари, хўжаликда бунга ўхшаган яна кўплаб қонунбузилиш ҳолатлар учрайдики, улар ўз вақтида бартараф этилмаса, кейинчалик бошқа муаммолар келиб чиқиши тайин.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ғ.Қаюмов номига 06-1/850-сонли 2003 йил 31 мартда киритилган тақдимнома ҳам сувга отилган тош сингари изсиз йўқолди. Чунки бу хўжаликда вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 6 ойдан буён бартараф этилмай келинмоқда. Бунинг устига хўжалик раҳбари тақдимномага 15 кун муддатда жавоб бериш лозимлигини билса-да, ҳанузгача пайсалга солмоқда.

Энг ёмони, мазкур хўжалик 2002 йил ҳисобидан 73 та оила пудратчидан 3.806.100 сўм қарз бўлиб турибди. Иккинчидан, 73 та оила пудратчининг 43 таси билан икки томонлама шартномалар нотўғри тузилган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Чунки у ёки бу соҳада қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан хўжалик ва корхоналар раҳбарлари номига киритилган яна 14 та тақдимномага муддати ўтиб кетганлигига қарамай, жавоб қайтарилгани йўқ.

Ҳар бир раҳбарнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлиши — давр талаби. Тақдимнома эса қонунбузилиш ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этишнинг энг қулай ҳамда самарали воситасидир. Белгиланган муддатда унга жавоб қайтарилмасликни эса яна бир қонунбузилиш ҳолати деб баҳолаш мумкин.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Gazetxon xat yo`llabdi

ИККИ МАРТА ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН

САВОЛ: *Яқинда бир воқеа сабаб бўлиб, ўғлимнинг исмини ўзгартириш керак деган фикрга келдик. Бироқ исмни ўзгартириш қонуний асосда қандай амалга оширилишини билмаймиз. Шу ҳақда маълумот берсангиз.*

Исроил ТЎРАЕВ,
Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани

ЖАВОБ: — Аввало шуни айтиш жоизки, халқимиз исм-шарифини ҳам муқаддас деб билади. Шунинг учун ҳам ғарбдагидан фарқли ўлароқ бизда исм-шариф камдан-км ҳолатларда ўзгартирилади.

Бироқ бунга қонунларимиз бу ҳақда аниқ тушунча берилган. Хусусан, Адлия вазирлигининг 2000 йил 5 июндаги 25-сонли "Ўзбекистон Республикаси ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақида" Йўриқномани амалга киритиш тўғрисида"ги ҳайъат қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида"ги Йўриқноманинг 96-бандига кўра, фамилия, исм, ота исмини ўзгартирган шахс ФҲДЁ идорасига бу масалада иккинчи марта ариза билан орадан бир йил ўтгандан сўнггина мурожаат этиши мумкинлиги, фамилия, исм, ота исмини икки мартадан ортиқ ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги қатъий қилиб белгилаб берилган.

БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИЛАДИ

САВОЛ: *Ҳурматли таҳририят! Мен шаҳримиздаги нуфузли корхоналардан бирида ишлайман. Бироқ баъзи бир сабабларга кўра корхонамизда иш тўхтаб қолди. Мен корхонада ишлашни жуда хоҳлайман. Чунки умрнинг катта қисми шу ерда ўтди. Корхонамиз яна оёққа туриб олганга қадар бошқа корхонада ишлаб туришим мумкинми?*

Шоира КАРИМОВА,
Самарқанд шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 95-моддасига кўра, иш тўхтаб қолган тақдирда (оддий) ходимлар ихтисослари ва малакалари ҳисобга олинган ҳолда шу корхона, муассаса, ташкилотдаги бошқа ишга иш тўхтаб қолган бутун вақт давомида ишлаш ёки ўша жойнинг ўзидаги бошқа корхона, муассаса, ташкилотга бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Иш тўхтаб қолгани сабабли кам ҳақ тўланадиган бошқа ишга ўтказилган чоғда ишлаб чиқариш меъёрларини бажараётган ходимларнинг илгариги ишидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, меъёрни бажармаётган ёки вақтбай ҳақ тўланадиган ишга кўчирилган ходимларнинг эса таъриф ставкаси сақланиб қолади.

Бошқа ишга ўтказишда иш берувчи Меҳнат Кодексининг 96-моддаси талабларига риоя этиши лозим.

Меҳнат шартномасини ўзгартириш (бошқа ишга ўтказиш) бўйича чиқариладиган буйруқларни умулаштирувчи қоидалар қуйидагилардан иборат:

1) Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос қилиб олиниши лозим.

2) Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришларнинг мазмунига тўлиқ мувофиқ ҳолда чиқарилиб, ходимга маълум қилиниб, тилхат олиниши шарт.

3) Буйруқда вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг муддати албатта кўрсатилиши шарт.

4) Ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартнмоасида вақтинча бошқа ишга ўтказиш акс эттирилмайди.

Саволларга ҳуқуқшунос
Т. ҚОРЁҒДИЕВ жавоб берди.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Биз истаймизми, йўқми — ҳаёт қувончу ташвишлардан иборат экан. Қувончу шодлик кунларида унчалик билинмаса-да, лекин оила бошига мусибат тушганда инсон мададга муҳтож бўлиб, кўпчиликка суяниб қоларкан. Шундай пайтда кимнингдир кўнглингизни кўтаришига, яхши гапига интиқ бўласиз. Ана шундай пайтда қайғу салгина бўлсада, ортга чекингандай бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони отам Комил Абдунноповнинг 1985 йилда туғилган набираси Улуғбек яқинда тўсатдан вафот этди. Фарзандининг ўлими акам Тожимаматни довдиратиб қўйди. Унинг бир ўзи қаерга югуришини билмай, боши қотиб қолди.

Шунда таъзия билдириб, узоқ-яқиндан келган ёр-оғайнилардан бири хафа бўлиб, шундай деб қолди: — Сизларда маҳалла қўмитаси фаоллари йўқми? Нега улар кўринмайди. Биз томонларда ундай эмас...

Отамнинг жиянларидан бири эса аччиқ бўлса-да, ҳақ гапни айтди:

— Комилжон тоға, шу маҳаллада 85 йиллик умрингиз ўтди. Урушни кўрдингиз, юртга ҳалол хизмат қилдингиз. Лекин маҳаллада қадрингиз йўқ экан. Йўқса, маҳалла оқсоқоллари ёнингизда тик туришмасмиди?!.

Отамнинг қонталаш юрагига туз сепилгандай бўлди. У ҳассасига суянганча ор-номусдан унсиз йиғлади.

Бу ҳолни кўриб мен, албатта, чидаб туролмадим.

Орадан бир неча кун ўтгач, Марҳамат тумани ҳокимлигида ҳар ҳафтада ўтказиладиган фуқаролар йиғини раислари йиғилишига тўғри кириб бордим. Отам яшайдиган "Туркистон" фуқаролар йиғини раиси Фаёзиддин аканинг юзига шундай дедим:

— Сиз маҳалланинг отаси экансиз, нега таъзия билдиришга ярамадингиз. Ахир, отамга ўхшаганлар ҳозирги фаровон кунлар учун қон кечган эди. Унинг-ку ҳолидан хабар олмайсиз, ҳеч бўлмаса, бошига мусибат тушганда ҳамдардлик билдирсангиз бўларди. Одам қорнига эмас, қадрига йиғлар экан...

Бу гапларни эшитиб, оқсоқол «Касал эдим, нима энди сенларникига замбилда боришим керакмиди», деб ўшқириб берди.

Мустақиллик йилларида маҳаллага жуда катта эътибор берилди. Ана шундай ғамхўрлик натижасида бугун маҳалла халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Бу, албатта, ҳар биримизни қувонтиради.

Бироқ айрим жойларда маҳалла оқсоқолларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараши, одамлардан узилиб қолиши кишини ранжитади.

Айтмоқчиманки, маҳалла оқсоқоли ҳеч қачон халқдан ажралиб қолиши керак эмас. Яхши-ёмон кунларида улар билан ҳамнафас, ҳамдард бўлиши зарур. Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?!

Турсуной АБДУМАННОПОВА,
Марҳамат тумани

ЙЎЛИМИЗ ТИКЛАНАДИМИ?

Мачай Сурхондарё вилоятининг энг чекка тоғ қишлоқларидан бири бўлиб, у Бойсун тумани марказидан 60 километр узоқликда жойлашган.

Бу ерда табиий офатлар тез-тез рўй бериб туради. Кейинги йилларда кўп сел келиши оқибатида қишлоғимизни туман маркази билан боғлаб турган қисқа йўллар бузилиб кетди. Натижада яқин йўлимиз узоқ ва машаққатли бўлиб қолди.

Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга қишлоғимиз аҳли номидан жуда кўп марта мурожаат этсак-да, ҳеч қандай ижобий натижа бўлмаяпти.

Табиий офат туфайли бузилиб кетган йўлимизни тиклашда энди кимдан нажот кутиш мумкин?

Эшпўлат БЕРДИЕВ,
Бойсун тумани

Ajab savdolar

ҚАРОР ОРТИДАГИ ҒАЛВА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бир йил давомида қурилишни давом эттириш учун рухсат сўраб шаҳар ҳокимлиги, меъморчилик бошқармасига қатнаган. Бу орада фирмасининг обрўсига анча путур етган. Энди иш судга бориб тақалди. Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар бўлганини билиб олиш қийин эмас.

Термиз шаҳар ҳокимлигида фуқароларга тураржой ажратишда ҳам ноқонуний қарорлар чиқариш одат тусига айланган кўринади. 1983 йилдан буён шаҳарнинг 4-кичик даҳаси, 2-мавзеси, 31-уйнинг 17-хонадонида истиқомат қилиб келган Малика Самбўлатова 1993 йилда Термиз шаҳар ҳокимининг 665-сонли қарорига кўра, уй ўзининг номига хусусийлаштирилганлиги тўғрисида давлат ордерига эга бўлади. 1995 йилда М. Самбулатова қўшни мамлакатда истиқомат қилувчи қариндошларникига кетади. Орадан икки йил ўтгач, 1998 йилнинг ёзида Термиздаги уйига қайтиб келган М. Самбулатова унга тегишли бўлган хусусий уйда Сафархол Раҳматованинг яшаётганини кўрди-ю, ҳайратдан ёқа ушлади. Энг қизиғи, уйни бўшатишни талаб қилган М. Сумбулатовага С. Раҳматова 1997 йилнинг 29 май куни чиқарилган шаҳар ҳокимининг 171-сонли қарори ва 419-рақамли уйни хусусийлаштириб олгани тўғрисидаги давлат ордерини кўрсатди. Уйнинг иккинчи "соҳибаси" тақдим этган барча ҳужжатлар ҳақиқий эди...

Ана шундан кейин ҳар иккала томон уйга эгалик қилиш учун судга югуришди. Қайта-қайта судловлар туфайли орадан тўрт йил ўтгач, 2002 йил 31 январ куни Қумқўрғон туманлараро судида бу иш қайта кўрилиб, Термиз шаҳар ҳокимлигининг 17-уйни С. Раҳматова номига қайта хусусийлаштириб бериш тўғрисидаги қарори бекор қилинди.

Бундай оворагарчиликни шаҳардаги Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган 45-уйнинг 9-хонадонда истиқомат қилган Елена Тимонина ҳам бошидан кечирди. Шаҳар ҳокимининг 1993 йил 28 апрел кунидаги 355-сонли қарори билан уйни ўз номига хусусийлаштириб олган Е. Тимонина 1998 йилнинг баҳор кунларида Россия Федерациясининг Ставропол ўлкасига меҳмонга кетади. Орадан бироз вақт ўтгач, Термизга қайтиб келганида унга қарашли хонадонда Ҳалима Одилова деган фуқаро истиқомат қилаётган экан. Чунки бу хонадон шаҳар ҳокимлигининг 1999 йил 23 февралдаги қарори билан қайта Ҳ. Одилова номига хусусийлаштирилиб берилган эди. Бу масала ҳам судга бориб тақалади. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар туманлараро судининг 2000 йил 7-сентябр куни чиқарилган ҳал қилув қарорига биноан Е. Тимонинанинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилди.

Бундан норози бўлган фуқаро Ҳ. Одилова кассация шикояти ёзди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг кассация инстанцияси бу ишни 2001 йил 29 июнда кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг қарорини ўз кучида қолдирди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ҳокимликнинг қайта қарорларини чиқаришга бош-қош бўлган масъул шахслар қонун олдида ўз қилмишлари учун жавоб бердими? Ахир, уларнинг айби билан фуқаролар ўзларига аввалдан тегишли бўлган уй-жойни эгаллаш учун йиллаб суд идораларига чопишди. Иккинчидан, ўша уйларга қайта эгалик қилган инсонлар "энди бошпанам бор", деб қувонган бир пайтда ўз уйларидан ажралиб, жабр кўришди. Афсуски, бу масала суд қарорларида очиқ қолган.

Хулоса ўрнида айтсак, баён этилгани сингари низоли масалалар суд мажлисида муҳокама қилинган чоғда қайта қарор чиқарган масъул шахсларга ҳам суд томонидан тегишли жазолар тайинланиши лозим. Ана шунда бундай масалалар билан шуғулланувчи масъул ходимлар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишади ва ҳар қандай қонунбузарликларга чек қўйилади.

Искандар ПАЛВОНОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



To`siq

АФСОНАНИНГ ЯКУНИ

Шу кунгача бировдан бир сўм ҳам олмай ғўза ўстираётган фермерлар ҳам бор десак, ишонмаслигингиз мумкин. Лекин Гулистон туманида бу афсонани ҳақиқатга айлантиришнинг уддасидан чиқишди.

Қойил қоладиган жойи шундаки, фермер моддий ёрдамсиз пахта етиштирадиган даражада бойвучча эмас.

"Шохруҳ-Д" фермер хўжалиги 2001 йил 9 феврал куни Гулистон тумани ҳокими қарори билан ташкил топган. Ҳокимнинг шу йил 3 мартдаги 279-қарорига асосан фермер хўжалиги учун 11 гектар майдонда уруғлик пахта етиштириши режалаштирилган. Ялпи ҳосилдорлик 28,6 тонна қилиб белгиланган. Шу қарор бўйича пахта тозалаш акциядорлик жамияти билан шартнома тузиш шарт эди. Бироқ Гулистондаги ушбу жамият масъул ходимлари негадир ҳоким қарорига ўзгартириш киритиб, фермер хўжалиги билан шартноманинг 1.1 бандига 11 гектарнинг ялпи ҳосилдорлигини 22,5 тонна қилиб кўрсатишди. Натижада назорат инспекцияси ушбу контрактация шартномасини рўйхатга олишни рад этди.

Фермер хўжалиги раҳбари М.Оқбўтаев жамият ва назорат инспекцияси ўртасида қатнайвериб, сарсон бўлди. Бироқ кўнгилни ёритадиган бирон-бир натижа чиқмади. Охири "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ва пахта тозалаш акциядорлик жамияти мутасаддилари тоза бланкаларга муҳр босиб, фермернинг қўлига тутқазишди. Лекин бу бланкалар ҳам турган гапки, расмийлаштирилмасдан қолган. Демак, шартнома тасдиқланмаса, банкдан бўнак пули берилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномаси тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 4, 8, 35-бандларида тайёрловчи хўжаликка бориб, шартнома тузиш ва бўнак пули етазиб беришга мажбур эканлиги баён этилган. Гулистонда эса бунинг тескариси рўй берган. Жамиятдагилар ҳосил тоннасини камайтириб кўрсатиб, ўзларича гўё фермерга ёрдам қилишмоқчи бўлган. Лекин улар қинғир ишнинг қийиғи чиқишини ўйлашмаган.

Фермернинг аризасига кўра, вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига даъво аризаси киритди. Даъвога кўра, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Ўктам Ўроқбоев фермерга етказилган 420 минг сўм моддий ва маънавий зарарни тўлаши ҳамда зудлик билан контрактация шартномаси тузилишини ва фермерга бўнак пули берилишини таъминлаши шарт. Акс ҳолда, ҳақиқат яна афсонага айланиб кетиши аниқ.

Хулоса шуки, ўйламай босилган қадам оёқниям, дилниям оғритар, деб тўғри таърифлашган.

Мардали МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос

Шуманай тумани Қорақалпоғистоннинг ғарбий кенгликларида жойлашган. Туманда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кўпгина соҳаларда мақташга арзигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бироқ ҳудудда ютуқлар соясида қолиб кетаётган нуқсонлар, юксак тараққиёт йўлига ғов бўлаётган тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида яққол кўзга ташланмоқдаки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

МУДРОҚЛИК "СИЙЛОВИ"

"Деҳқонобод" ширкат хўжалиги раиси Кўшкинбой Ўрозимбетов, хўжалик бош ҳисобчиси Омонгелди Холмуротов, иқтисодчи Бердибой Отахонов ҳам ушбу ҳақиқатни яхши тушунишади. Аммо улар зиммаларидаги масъулияти бир қадар унутиб қўйишди. Ана шундай совуққонлик натижасида хўжаликда 2002 йил ҳосили учун тузилган 34 та ички шартномалардан биронтаси бажарилмади, дебитор ва кредиторлик қарзларининг ҳажми ошгандан ошиб кетди.

2003 йилда ширкат хўжалигида 272.320 сўмлик 13 та ташқи ва 196 та ички шартномалар имзоланди. Йилнинг 1 июлига келиб, хўжаликнинг дебитор қарзлари миқдори 9.880.500 сўмга, кредитор қарзлари миқдори 106.389.300 сўмга етди. Ширкат хўжалигида 2000 йилдан буён "Хўжайлигўшт" ҳиссадорлик жамиятидан 499.100 сўм миқдорида, 2001 йилдан буён "Дўстлик байроғи" ширкат хўжалигидан 1.476.500 сўм миқдорида, Аяпберган Мусаев номидаги ширкат хўжалигидан 2.934.000 сўм миқдоридаги дебитор қарзларини ундириш чоралари кўрилмаган. Хўжалик 2000 йилда икки томонлама шартномага биноан, Корейс миллий марказига техникаларни ижарага берган-у, лекин 337.000 сўм ҳажмдаги ижара ҳақини талаб қилиб олишни эплолмаган. Масаланинг энг ачинарли томони шундаки, хўжалик раҳбарлари ушбу қарзларни бартараф этиш йўлларини излашмагани туфайли туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсалар-да, ҳали-ҳануз бу жазодан ўзларига бир-бир тегишли хулоса чиқариб олишмаган.

Шунингдек, хўжаликда контрактация шартномалари тузилиши бўйича бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Хусусан ички шартномаларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Номигагина расмийлаштирилган мазкур шартномаларга режадан ортиқ миқдорда етиштирилган ҳар бир тонна пахта ҳосили учун берилиши лозим бўлган ёғ, кунжара, шелуха миқдорлари кўрсатилмаган. Шу боис Олломберган Эшчонов, Жалғас Содиқов, Комил Реимов, Бахтиёр Дўсов каби кўплаб ижарачилар режадан ортиқ миқдорда тўплаган ҳосиллари учун қанча ҳажмда маҳсулот олишларини билишмайди, ва табиийки, бу ҳол ишловчининг меҳнатга бўлган иштиёқини маълум даражада сўндириб юборади.

Юқоридаги каби нохуш ҳолатлар туманнинг "Дўстлик байроғи" ширкат хўжалигида ҳам учрайди. Хўжаликнинг дебитор қарзлари 4.272.063 сўм, кредитор қарзлари эса 108.333.905 сўмни ташкил этади. "Деҳқонобод" ширкат хўжалигидаги сингари бу хўжалик раҳбарлари ҳам қарз тўловларидаги суст ҳаракатлари учун туман давлат солиқ инспекцияси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунга қарамасдан, хўжаликда 13-сонли қурилиш бошқармаси, 324-сонли ММК корхонаси, "Хўжайлигўшт" ҳиссадорлик жамиятларидан дебиторлик қарзларини ундириш иложлари кўрилмаяпти. Ўз навбатида хўжалик "Баҳор", "Чинор", "Қорақўл", "Кўклам", "Тиркаш", "Шайҳим", "Нур" фермер хўжаликлари ва якка ишбилармонлар олдида катта миқдордаги кредиторлик қарзларига эга.

Ширкат хўжалигида тузилган контрактация шартномаларида қўплаб нуқсонлар учрайди. Хўжалик раҳбарлари томонидан аксарият ҳолларда шартнома шартларига амал қилинмаётир. Бу фикрнинг исботи сифатида айтиш мумкинки, оилавий пудратчилар Бозоргул Язгулиева, Нурмуҳаммад Аширов, Ақчагул Шокирова, Гулжамол Ораева, Ўроқбой Тожимуротов, Егинсултон Саидова, Курбондурди Бекчоновалар ўтган 2002 йилда режадан ортиқ миқдорда тўплаган пахта ҳосили учун тегишли миқдордаги ёғ, кунжара, шелуха маҳсулотларини олишмаган.

Ҳар иккала хўжаликка хос бўлган яна битта эътиборсизлик хусусида айтиб ўтиш ўринли бўларди. Гап шундаки, томонлар ўртасида тузилган шартнома талабларига зид равишда "Шуманай момиғи" ҳиссадорлик жамияти томонидан 2002 йилнинг 1 ноябридан 28 ноябригача бўлган ораликдаги терим пуллари хўжаликлар меҳнаткашларига тарқатилмаган. Хўжаликлар раҳбарлари ўз қўл остидаги хизматчилари тақдирлари ҳақида қайғуриш ўрнига "Шуманай момиғи" ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти билан ўзаро муносабатни бузмасликни ўйлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2003 йил 10 январдаги даъво аризасига жавобан судга гўё ҳиссадорлик жамияти ва хўжаликлар ўртасида ҳисоб-китоб ишлари тўлиқ бажарилгани хусусида ёлғон маълумотлар беришган.

Президентимизнинг **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтириш чоралари тўғрисида"**ги ва **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги Фармонларида раҳбар кадрларнинг ишга бўлган масъулиятсизлиги, уқувсизлиги шартнома мажбуриятларининг бузилишига, меҳнат жамоаларининг инқирозга юз тутиш сабаблари уқтирилган. Демак, ҳар қандай раҳбар масъулиятни унутмаслиги, мазкур кўрсатмалардан оқилона фойдалана олиши лозим.

Dakki

Хўжахмет АСАНОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТОШКЕНТ

Adliya tizimi

Адлия бошқармасига ўтган 6 ой мобайнида 118 та ариза-шикоят келиб тушди. Уларнинг 96 таси қаноатлантирилган. Шикоят аризалари бўйича 35 та тақдимнома, 7 та огоҳнома ва судларга 11 та даъво аризалари киритилди 47 та аризалар бўйича эса ҳуқуқий тушунтириш берилди. Аризаларни ўрганиш жараёнида уларнинг 5 таси рўйхатга олиш, 54 таси фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратилмаётгани, 7 таси солиқ идораларининг хатти-ҳаракатлари, 4 таси ноқонуний текширишлар, 6 таси ноқонуний молиявий жаримага тортиш, 8 таси тадбиркорларга микрокредит ажратиш, 34 таси эса турли хил масалаларга тегишли экани маълум бўлди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан 6 ойда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида судларга 4.957.632 сўмлик 131 та даъво аризалари киритилди. Шундан 393.752 сўмлик 121 та даъво аризалари фермер хўжаликларини манфаатларини ҳимоя этишга тааллуқли. 2.963880 сўмлик 2 та даъво аризаси тадбиркорлик субъектига кредит ажратишда тўсқинликлар қилингани, 1.500.000 сўмлик 3 та даъво ариза фермер хўжалиги ташкил этишда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун судларга киритилган бўлиб, ҳозирги пайтда судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

АППЕЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ ШАРТЛАРИ

Одил судловни амалга ошириш жараёнида аппеляция инстанциялари муҳим аҳамиятга эга

Huquqiy ma`rifat

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Унга мувофиқ жиноят процесси қатнашчилари ҳар қандай суднинг (ҳатто Олий суднинг) ҳукмлари устидан шикоят билдириш, ҳукм устидан ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шу жумладан, вакили бўлган шахснинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари ҳимояси учун зарур шикоят бериш, шикоятнинг она тили ёки бошқа тилларда бериш, шикоятнинг ҳукм чиқарган суд ёки бевосита аппеляция инстанциясига киритиш, берилган шикоятни қайтариб олиш ва аппеляция тартибида қайта кўришни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

2. Оғирроқ томонга ўзгаришга йўл қўймаслик

Ушбу қоида маҳкум ёки унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукм устидан берилган аппеляция шикояти натижасида маҳкумнинг аҳволи оғирлашмаслигига кафолат ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, суд жиноят ишини аппеляция тартибида кўрган вақтда жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазони енгиллиги учун жабланувчи томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича аппеляция тартибида ҳукм бекор қилиниши ва ишни янгидан судга кўриш учун юборилиши мумкин. Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг аппеляция протести, жабланувчи ёки вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг аппеляция шикояти бўйича бекор қилиниши мумкин. (ЖПКнинг 494-моддаси).

Шунингдек, юқори босқич суди зарурат туғилганда Жиноят процессуал кодексининг 541 ва 542-моддаларида кўрсатилган тартибда ҳукм ажрим ва қарорларнинг моҳиятига дахл қилмайдиган, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмайдиган ҳолатда суд қароридаги шубҳа ва ноаниқликни бартараф этади. Бу тамойил қуйи босқич суди Жиноят кодексининг 45 ва 49-моддасининг 4-қисми ҳамда 60-, 62-, 96-моддаларини қўллашда, шунингдек, амнистия актини таътбиқ этишда йўл қўйган хатолари юқори инстанция суди томонидан судланган (маҳкум)нинг аҳволини оғирлаштириш деб баҳоланмаслиги ва бу ҳусусида қонунда таъқиқ мавжуд эмаслиги назарда тутилган.

3. Аппеляция текширувининг тафтиш хусусияти

Аппеляция инстанцияси аппеляция шикояти ёки протестдаги важлар билан боғлиқ эмас. У шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, барча маҳкумларга, шу жумладан, шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирмаганларга нисбатан ҳам тўлиқ ҳажмда тадбиқ этилади. (ЖПКнинг 482-моддаси).

Шуни айтиб ўтиш жоизки, текширув ҳажмининг кенглиги шикоят ёки протест важлари билан асосланмаган. Жиноий масалалардан ва тарафлардан ташқари ҳамма нарса текширилади. Яъни биринчи инстанция судларининг процессуал тартиб ва жиноят қонунини қўллашдаги мантиқийликка риоя қилинганини баҳоламай, балки иш ҳолатларини тадқиқ этишнинг тўлиқлиги, дадилларга баҳо беришнинг тўғрилиги, тайинланган жазонинг адолатлиги ҳам баҳоланади. Иккинчи инстанция судининг тафтиш хусусияти протестнинг манфаатдор шахслари кўрсатган важлардан ташқари барча қонунбузишларни аниқлашида намоён бўлади.

Жиноий ишни тафтиш қилиш оғирроқ томонга ўзгармаслик тамойили назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Бу шуни англатадики, барча аниқланган нарсалар, агар улар судланган (маҳкум)нинг аҳволини оғирлаштирса, бу ҳукмни ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўлмаслиги мумкин. Аксинча, аппеляция инстанцияси суди судланган (маҳкум)га қулайлик туғдирадиган ва асосланган қарор чиқариши лозим.

Аппеляция амалиётининг тафтиш хусусияти фақат жиноий иш материалларини текширишни англатмайди. Биринчи инстанция судининг қарори мазмунан тўғрилигини текшириш учун қўшимча (янги) ҳужжатлардан ҳам фойдаланилади. Қўшимча ҳужжатлар жиноий иш бўйича далил ҳисобланса-да, улар суд тадқиқотларидаги камчиликларни аниқлаш, шунингдек, мансабдор шахслар ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг суиистеъмолчиликка йўл қўйганини аниқлаш имконини беради.

Аппеляция инстанциясига процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларининг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақли. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Қонунчиликда қўшимча материаллар ЖПКнинг 149-, 170-290- ва 398-моддаларида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ўтказишни терговчига топшириш йўли билан ҳам олиниши мумкинлиги қайд этилган. (ЖПКнинг 481-моддаси).

Янги материаллар ёзма ҳужжатлар, предмет ва ашёлар, айрим ҳолларда эса маълумотнома, тасвифнома, касалик варақаси, шахсий ҳисоб варақаси, иш ҳолатлари юзасидан шахснинг аризаси, махсус текширувни талаб қиладиган масалалар юзасидан мутахассиснинг ёзма хулосаси ва ҳакозолар бўлиши мумкин.

Янги материалларнинг аҳамияти иш бўйича мавжуд далиллар билан бирга баҳоланганидан сўнг аниқланади. Янги материаллар аппеляция инстанциясига ҳукмни бекор қилиб, ишни янги суд муҳокамаси ёки қўшимча терговга қайтариш ҳуқуқини беради, аммо ҳукмни ўзгартириш ёки юритишни тугатишга ҳақли эмас.

Аппеляция инстанциясининг ҳукмни бекор қилиш ва ўзгартиришга бўлган кенг ҳуқуқлари аппеляция инстанциясининг вазифаларида ўз ифодасини топади ва уларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур усуллари бўлиб хизмат қилади.

4. Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш

Ҳукмларни аппеляция тартибида қайта кўриш биринчи инстанция судларининг ишни кўришда қонун талабларига риоя қилгани, шунингдек, ҳукмда баён этилган ишнинг фактик ҳолатлари тўғрилигини текширишни ўз ичига олади.

Ҳукмнинг қонунийлиги суриштирув, тергов ва суд идораларининг ЖПК талабларини аниқ ва қатъий бажарганини, жиноят қонуни меъёрларини тўғри қўллагани, шунингдек, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш масаласини тўғри ҳал этгани билан белгиланади.

Ҳукмнинг асослилиги унинг ишнинг фактик ҳолатларига мос келиши, юз бергани ҳақиқатан ҳам монанд келишини англатади. Шуларни эътиборга олган ҳолда иккинчи инстанция суди иш бўйича терговнинг тўлиқлиги, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив тарзда ўрганиш учун етарлича далиллар тўпланган ёки тўпланмагани, ушбу далиллар текширилган ва тўғри баҳоланган, суднинг қарорига ишнинг ҳақиқий ҳолатлари мувофиқлиги ёки мос келмаслиги, ушбу ҳолат суд мажлисида текширилган далилларга мувофиқлигини текширади.

Биринчи инстанция судидан фарқли равишда аппеляция инстанцияси ҳукмнинг қонунийлиги ва асослигини тўлиқ ёки қисман тергов ўтказиш, иш ҳужжатлари ва тақдим этилган ёки ўз ихтиёри билан талаб қилиб олинган қўшимча ҳужжатларни ўрганиш ва баҳолаш йўли билан аниқлайди.

Таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган ушбу тамойиллар жиноят процессуал қонунчиликда тўғридан-тўғри белгиланмаган. Улар аппеляция инстанциясининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда юридик адабиётларда ўз ифодасини топган.

Мунисхон ЖУМАЕВА,
татдиқотчи

Мавжларида қуёшнинг акси...

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ

ёки хорижий давлатларнинг инвестиция қонунчилигига бир назар

Jahon tajribasi

Дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида чет эл сармояларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам бугун дунёнинг барча давлатларида инвестицияга бевосита дахлдор қонунлар мавжуд. Қуйида ана шу қонунларнинг маъно-моҳияти, эътиборли жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз.

Аввало, шуни қайд этиш жоизки, ҳар бир инвестор учун энг асосий имтиёзлар сармоя киритилаётган мамлакатнинг қонунчилигида хорижий сармоялар учун бериладиган кафолат ва ҳимоя чоралари ҳисобланади.

Чет эл мамлакатлари инвестицияларида шахсий фирма ёки маҳаллий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналарни тузишга қўйиладиган сармоялар асосий ўринни эгаллайди. Бундай вазиятда инвестор тадбиркорлик корхонасини тузиш масалаларини тартибга солувчи қонунчилик, шунингдек, корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан танишиб чиқиши лозим бўлади. Нега деганда, бу масалалар ҳар бир давлатда турли хил тарзда тартибга солинади.

Хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ва савдо қонунчилигида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги асосий шакллари назарда тутилган: якка тартибдаги корхоналар, тўлиқ ширкатлар, коммандит ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари (очиқ ва ёпиқ турдаги) ва ҳоказолар. Лекин бунга қарамай, чет эллик инвесторлар хорижий корхоналарни ташкил этишда асосан икки шаклдан фойдаланади: масъулияти чекланган жамиятлар (масалан, Германияда) ва ёпиқ ёки соддалаштирилган турдаги акциядорлик жамиятлари (АҚШда ёпиқ корпорациялар, Англияда масъулияти чекланган хусусий компаниялар, Испания, Италия ва бошқа давлатларда ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари). Хорижий инвесторлар тадбиркорликнинг айнан бундай шаклларидан фойдаланиши акциядорларнинг (пай эгалари) кредиторга нисбатан чекланган масъулиятга эга экани, оммавий тарзда ҳисоб беришнинг йўқлиги, акциялар (пайлар)ни беришда чекловлар мавжудлиги, корхонанни ташкил этишнинг соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши, устав сармояси миқдорнинг нисбатан камлиги билан изоҳланади.

Ҳар бир мамлакатда тадбиркорликнинг муайян шаклини ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мавжуд. Масалан, АҚШда тадбиркорлик корпорациялари тўғрисидаги штат қонунлари, Англияда "Акциядорлик жамиятлари тўғрисида", Германияда "Акциядорлик жамиятлари тўғрисида"ги ёки "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги қонунлар амалга жорий этилган.

Хорижий мамлакатда корхона ташкил қилиш ниятида бўлган инвестор қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

— аксарият чет мамлакатларда жамиятларни ташкил қилишда рухсат бериш эмас, балки меъёрий тартиб амал қилади. Аниқроқ айтганда, уларни ташкил қилиш учун бирон-бир ваколатли инстанциянинг рухсатномаси талаб этилмайди, рўйхатдан ўтказишда таъсисчилар томонидан қонунда белгиланган талабларга риоя қилинишигина текшириб кўрилади.

Шу билан бирга баъзи мамлакатларда, масалан, Японияда рухсат бериш тартиби амал қилади ҳамда корхонани ташкил қилиш учун ваколатли идораларнинг рухсати талаб этилади.

Шу ўринда ташкил этилаётган корхонанинг жамғармасига қўйиладиган улуш ҳақида гапирадиган бўлсак, айрим мамлакатларда хорижий инвесторнинг ташкил этилаётган фирмага қўшадиган улуши қонун бўйича чегаралаган. Бундай вазиятда акциялар (пайлар)нинг назорат пакети мамлакатнинг миллий фирмалари ихтиёрида бўлади. Масалан, Испания қонунчилигига мувофиқ, хорижий инвестор томонидан киритиладиган улуш корхона жамғармасининг 50 фоизидан ошадиган бўлса, бундай корхонани ташкил қилиш учун Вазирлар Кенгашининг рухсати талаб этилади.

Бундан ташқари, чет эл қонунчилиги корхона фаолиятини юритиши учун зарур бўлган корхона устав жамғармасига киритилиши керак бўлган сармоянинг энг кам миқдорларини белгиловчи меъёрларни ҳам ўзида акс эттиради. Жумладан, АҚШ штатларининг қонунчилигида корпорацияларни ташкил қилишда устав сармоянинг энг кам миқдори 100-1000 АҚШ доллари атрофида белгиланган. Устав жамғарманинг энг кам миқдори Бельгияда 1250 минг Бельгия франкини ташкил этса, Италияда бу миқдор 200 миллион лирани ташкил этади. Айрим мамлакатларда эса энг кам миқдор қонунда белгиланмаган. Бунга мисол қилиб Англия давлатини келтириш мумкин. Бу мамлакатда сармоя жамиятнинг мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда шериклар томонидан белгиланади.

Хорижий корхоналарни ташкил қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш, шунингдек, бевосита уларни ташкил этиш тартибларига тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқишни тақозо этади. Бу қоидалар сирасига эса таъсисчилар, таъсис шартномаси ва устав нинг тузилиши ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиблари тўғрисидаги қонун, меъёрий қоидалар киради.

Бундан ташқари, чет эл мамлакатлари қонунчилиги таъсисчилар сонининг энг кам миқдорини ҳам белгилаб қўйган. Масалан, Германияда таъсисчилар сони 5 нафардан, Францияда эса 7 нафардан кам бўлмаслиги лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масала — таъсис шартномаси ҳамда уставнинг тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу ҳужжатлар турли давлатларда турли хил ном билан юритилади. Одатда, устав асосий ҳужжат ҳисобланади. Компания ёки корпорацияларни ташкил этишда эса АҚШ ва Англияда фақат иккита ҳужжат – таъсис шартномаси (АҚШ) ёки меморандум (Англия) ва ички регламент тузилади. Шартнома ва меморандум жамиятнинг мақсади ва ҳуқуқ лаёқатига доир барча масалаларни тартибга солади, регламентда эса жамиятнинг ички муносабатларига таалуқли масалалар кўрсатиб ўтилади (умумий йиғилишни чақириш тартиби ва муддати, қарорлар қабул қилиш).

Шунингдек, жамиятларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда амалга оширилади. Қонунчиликда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш ва текшириш ваколати юкланган идоралар, тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати ва рўйхатга олиш учун ундириладиган йиғимлар назарда тутилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир сармоядор ўзга бир мамлакатга ўз сармоясини киритишдан олдин ўша давлатдаги инвестицион муҳитига алоҳида эътиборни қаратиши ва уни ўрганиши лозим.

"Инвестиция муҳити" кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига бир қатор омилларни олади. Жумладан, инвестиция қабул қилаётган давлатдаги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, хорижий сармоядорга кафолатлар берадиган қонуннинг устуворлиги, дивидендларнинг эркин кўчирилиши, экспорт ва импорт назорати ва ҳоказолар алоҳида ўрин тутади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, хорижий сармоялар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада амалдаги қонунларни мукаммал билиш эса ана шу йўлдаги ютуқларни кафолатлайди.

Акмал БУРҲОНОВ,
Аброр ҚОДИРОВ

Sharh

МАНФААТ ВА ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Низомнинг иккинчи бандида Адлия вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди. Айни шу банд билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимларининг шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишига, шунингдек, бу шартномалар бажарилишининг доимий мониторингини олиб борилишига шахсан жавобгар эканлиги белгиланди.

Қарорда шартнома мажбуриятлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилмагани билан боғлиқ даъволар бўйича қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, уларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари давлат божи тўлашдан озод этилди.

Энди ушбу қарор билан тасдиқланган Низом билан қисқача танишиб ўтсак.

Мазкур Низом 9 бўлим ва 86 та банддан иборат бўлиб, унда 1-бўлим умумий қоидаларга бағишланади. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузиладиган шартномалар, уларнинг тарафларига тўлиқ тушунчалар берилган.

Низомнинг 2-бўлими шартномаларни тузиш тартибини белгилайди. Бу бўлимда, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар билан шартномаларни тузиш муддатлари аниқ қилиб, яъни агротехника тадбирларни амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календар йил бошланишидан кечикмай тузилиши белгиланди. Шунингдек, ушбу бўлимда тузиладиган шартномаларда, албатта, кўрсатилиши керак бўлган шартлар қайд этиб ўтилган.

3-банд, шартномаларнинг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилаб беради.

Тузилган шартномалар имзоланган кундан бошлаб 3 кунлик муддатда тайёрлов ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилиши керак. Бўлим эса уч кунлик муддатда тақдим этилган шартномани рўйхатдан ўтказади.

Рўйхатдан ўтказишда ушбу шартномаларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, унда барча шартлар кўрсатилгани, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва бошқа нархларнинг тўғрилиги бўйича текшириш ўтказади. Шартнома белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида асослантирган ҳолда ёзма қарор чиқарилади.

Рўйхатдан ўтказилган шартнома нусхаси рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 2 кунлик муддат ичида тайёрловчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан хўжаликка етказиб берилиши шарт.

Низомнинг 4-бандида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган бўлиб, бунда аввало қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сўнг тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Низомнинг 5-бўлими "Нархлар ва ҳисоб китобларни амалга оширилиши" тартибини белгилашга қаратилган. Ушбу бўлимда махсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатувчилар зиммасига юкланган.

6-бўлим икки кичик бўлимга ажратилган бўлиб, унинг биринчисида контрактация шартномаларининг бажарилиши, иккинчи бўлимда эса моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг бажарилиши ёритилган.

Низомга мувофиқ моддий техника ресурсларини етказиб бериш, шартномада назарда тутилган хизматларни кўрсатиш хўжаликларнинг ёзма буюртманомаси асосида амалга оширилади. Шунинг учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритадилар.

Буюртманомалар маҳсулот етказиб бериш, тегишли хизматлар кўрсатишнинг тахмин қилинаётган санасидан камида беш кун олдин почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда тайёрлов ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисидаги белги қўяди.

Низомнинг 7-бўлимида шартнома бўйича томонларнинг мулкий жавобгарликлари кўрсатилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида контрактация шартномаларининг бажармаслигида айбдор бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. Улар айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан қопланади.

Низомнинг 8-бўлими шартномалар бажарилиши мониторингини юритиш тартибини белгилайди. Бунга кўра тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарлиши бўйича белгиланган жадвал асосида маълумот беради. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ушбу ахборотни 5 кунлик муддатда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига, бошқарма эса 5 кунлик муддатда умумлаштириб ҳудудий адлия идораларига ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Низомнинг 9-банди якуний қоидаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг маҳсулотнинг сифати пасайтирилиши ёки бузилиши ҳоллари бўйича, шунингдек, табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёхуд тайёрловчининг айби билан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида хулосалар беришга бўлган ваколатлари белгилаб берилган.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, улар билан шартнома муносабатларига киришувчи барча тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг раҳбарлари, ушбу ташкилотлардаги шартномалар бўйича иш юритувчи маъсул ходимлар мазкур қарор ва унинг асосида тасдиқланган Низомни чуқур ўрганиб чиқишлари, ундаги талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриши, тизимдаги ҳуқуқий хизматни ривожлантиришга алоҳида этибор билан қарашлари зарур. Зеро, қабул қилинган қонунлар, қонун ҳужжатлари ўз-ўзидан ишлаб кетмайди. Уларнинг тўлиқ ижро этилишини таъминлаш ҳар бир маъсул мансабдор шахснинг бурчидир.

Шокир САИДОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Jurnalist surishtiruvi

ЎН УЧ ЙИЛЛИК МОЖАРО

унга ким нуқта қўяди?

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Фуқаро Каримжон Эшоновнинг оиласи яшаб турган ҳовли-жой Андижон шаҳар ҳокимлигининг 1989 йил 14 ноябрдаги 351/13-21-сонли қарори билан собиқ "Октябр 40 йиллиги" ва 1-тор Литвинов (кўчаларнинг номи ўша вақтдаги) кўчаларининг очилиши муносабати билан бузилишга тушади. Шундан бироз кейин бу оилага 1994 йил 5 март кунги 305-н-сонли шаҳар ҳокимининг қарори билан Жалил Раҳимов кўчасидан 600 квадрат метр уй-жой қуриш учун ер участкаси берилади. Шаҳар ҳокимлигининг уй-жой қурилишини назорат қилиш бошқармаси мутахассислари томонидан қозиқлар қоқилиб, чегаралар ажратиб берилади.

Каримжон Эшонов пойдевор учун бетон блоклар ўрнатиб бўлгандан сўнг Абдурасул Мухторов деган киши пайдо бўлади-ю, "Бу жойни жамоа хўжалиги менга берди", деб бетон блокларни бузиб қурилиш бошлайди.

Афсуски, унинг амали ўтмайди. Чунки бу ерлар жамоа хўжалигининг ихтиёрига кирмасди. Чунки ўша вақтдаги маҳаллий ҳокимият идораси бўлган вилоят ижроия қўмитасининг 1988 йил 29 январдаги 28/2-сонли қарорига кўра, Олтинкўл туманининг С.Ашуров номидаги жамоа хўжалиги экин майдонларидан 19,5 гектар ер майдони Андижон шаҳар тасарруфига ўтган эди.

Шунинг учун фуқаро Абдурасул Мухторовнинг бундай ўзбошимчалигини шаҳар ҳокимлигининг маъмурий чора кўриш комиссияси кўриб чиқиб, ушбу низоли ишни қонуний ҳал қилишни сўраб, Андижон шаҳар судига мурожаат этади. Шу билан бирга фуқаро Каримжон Эшонов ҳам даъво ариза киритади. Судья М.Юнусов раислигида ушбу иш 1994 йил октябр ойининг 20 кунида кўрилиб, фуқаро Абдурасул Мухторовдан Каримжон Эшонов фойдасига етказилган моддий зарар ҳисобига 124416 сўм купон пул ундириб бериш ва унинг зиммасига Каримжон Эшоновга ўзига ажратилган ер майдонидан фойдаланишда тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклатилди.

Қисқаси, суд низога якун ясаган, ҳаммаси ўз ўрнига тушгандек эди.

Лекин орадан саккиз йил ўтгач икки ўртада яна низо келиб чиқади. Аниқроқ айтганда, 2001 йил 2 июлда Абдурасул Мухторовнинг укаси Ҳусан Мамадалиев саратонда дўл ёққанидек тўсатдан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво ариза киритади. Даъвонинг мазмуни шундай: ***"Менга Олтинкўл туман ижроия қўмитасининг 1989 йил 26 сентябрдаги 170/18 сонли қарорига асосан экин майдонларидан 0,4 сотих ер майдони ажратилган. Ушбу ер майдонига 1989 йилда икки хонадан иборат уй-жой қуриш учун пойдевор қурганман. Андижон шаҳар ҳокимлигининг 1994 йил 5 мартдаги 305-сонли қарорига асосан менга ажратилган ер майдони Андижон шаҳар, Хурсандлик кўчасида турар-жой қуришга ажратилибди. Ҳозирда Тўра Ризаев деган шахс мен томондан қўйилган пойдеворни буздириб ташлаб, ушбу ерга уй қуриш ҳаракатида юрибди. Шунинг учун шаҳар ҳокимлигининг қарорини бекор қилишни, ер майдонини қурилган бетонлари билан ўзимга қайтариб олиб беришни, жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бетонларни унинг ҳисобидан буздириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришни сўрайман".***

Қизиқ-да, биринчидан, бу ерлар 1988 йил шаҳар тасарруфига ўтган бўлса, иккинчидан, даъво аризада жавобгар Ҳанифахон Эшонова Тўра Ризаев деб белгиланибди. Ахир, шаҳар ҳокимининг қарорида ер участкаси Каримжон Эшонов номига берилган-ку? Учинчидан, шаҳар ҳокимлигидан ажратилган ер участкаси 600 квадрат метр бўлиб, "Жалол Раҳимов кўчаси, 44-уй" деб аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Бу ҳақда шаҳар уй-жойлар қурилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи А.Маразиқов, бошқарма мутахассиси имзо ва муҳр билан тасдиқлаган ер участкаси режаси ҳам мавжуд.

Ўз ўрнида Каримжон Эшонов ҳам судга қарши даъво ариза тақдим қилиб, Олтинкўл туман ижроия қўмитасининг 1989 йил 26 сентябрдаги 170/18-сонли қарорини бекор қилишни ва даъвогар ушбу даъвони даъво қилиш муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборгани учун рад қилишни сўрайди.

Энди бу низонинг фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши ва унинг натижаларини хроникал тартибда келтирамиз:

1. 2002 йил 22 июл куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси М.Орипов ҳар икки даъво муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилгани сабабли рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

2. Ушбу ҳал қилув қарорига вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Н.Қурбонов фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъатига аппеляция протести киритади. Протест матнида яна "Ризаев Тўра ва бошқалар жавобгарлигида фуқаролик иши" деб таъкидланади. Яна қизиқ ҳолат. Ахир, шаҳар ҳокимининг қарори Каримжон Эшонов номига чиққан-ку?!

3. 2002 йил 10 сентябр куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг аппеляция судлов ҳайъати судья М. Охунова раислигида прокурорнинг апелляция протести ва даъвогар Х.Мамадалиевнинг вакили А.Мухторовнинг норози бўлиб келтирган аппеляция шикоятини кўриб чиқиб, юқоридаги фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекори қилинди ва янгидан қуриш учун ушбу суднинг бошқа суд таркибига юборди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mushohada

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ ЭМАС...

Мактабни нафақат болалар, балки биз ота-оналар ҳам соғиндик десак, асло муболаға эмас. Мана, бир неча кундирки, фарзандларимиз ҳар доимгидан эртароқ уйғониб, мактабга шошилишмоқда. Уларни ўқув даргоҳларига кузатар эканмиз, доимий огоҳ сўзларимизни қайта-қайта такрорлаймиз:

— Болам, йўлнинг четидан юр, ҳар томонга кетиб қолма. Кийимингни кир қилма...

Баъзан эса биров ёлғон гапириб, мен билан юр, буюмингни бериб тур, деб алдаганига ишонма, деймиз. Аммо шунинг баробарида ўз-ўзимизга «гўдак болани ким ҳам алдарди», дея таскин берамиз. Лекин афсуски, ҳаётда шундай фирибгарлар ҳам учраб тураркан.

Осойишта кунларнинг бирида тошкентлик Феруза Мажидова ва Дилафрўз Жавҳаровалар фирибгарлик жиноятини содир этиш мақсадида олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бошланғич синф қизларининг тилла тақинчоқларини талон-тарож қилиш режасини тузишди.

— Ҳозир кичкина қизалоқлар ҳам қулоқларига қимматбаҳо тилла зираклар тақиб юришибди. Шуларни алдаб, тақинчоқларини ечиб олсак, мўмай даромад қиламиз, — деди Дилафрўз Ферузага.

Унинг бу фикри Ферузага ҳам маъқул тушди.

— Уларни алдаш осон, қолаверса, ёш болалар зиракнинг фарқига боришармиди, — деди у.

— Бунинг устига улар ўзлари билан гаплашган ёки буюмини олган кишини эслаб қолишмайди, — деди Дилафруз.

— Э, қизиқмисан, ёш бола йўлда биров зирагимни тортволди, деса, катталар ишонишармиди. Ўйнаётиб йўқотган-у, энди шундай баҳона қиляпти, деб ўйлашади, — деди Феруза кулиб.

Шундай қилиб икки фирибгар ўз режаларини Чилонзор туманининг 16-мавзесида амалга оширишга киришди. Улар мактабдан қайтаётган қувноқ қизчанинг йўлини тўсишди.

— Вой, бу қизча бунча ширин, тўхта-чи, бизни танимадингми?! Биз ойижонингнинг дугоналари бўламиз, — деди Феруза.

— Ие, қулоғингдаги зирагинг ечилиб кетибди-ку, кел, тақиб қўяй, — деди Дилафруз.

Хуллас, икки фирибгар қизчани алдаб-сулдаб, унинг қулоғидаги 30000 сўмлик зиракни қўлга киритишди. Сўнг улар қизни яна алдашди:

— Сен бориб онангни шу ерга бошлаб кел. Биз унгача зирагингни томоша қилиб турамиз.

Табиийки, содда қизалоқ уларнинг фирибгарлигини сезмади. У боягидек қувноқ кайфиятда зирагини қолдириб уйига чопиб кетди. Икки фирибгар эса фурсатдан фойдаланиб, воқеа жойидан қочиб қолишди.

Уддабурон фирибгарлар ўз жиноий ҳаракатини давом эттириб, айни шу мавзедаги 195-сонли мактаб ёнидан уйига кетаётган яна бир қизчани тузоққа илинтиришди. Улар қизчага шу атрофдаги кўп қаватли бинони кўрсатиб, Дилдора деган дугоналаримиз 4-қаватда яшайди, уни бизга чақириб бер, дея гўё илтимос қилишди. Шундан сўнг улар қизчани уйнинг йўлагига олиб киришиб, унинг қулоғидаги 40000 сўмлик зирагини тортиб олишди.

— Э, қизча, мени танимадингми?! Ахир, аяжонингнинг дугонасиман-ку?!. Қани, бу ёққа юр-чи...

Дилафруз ёш қизнинг ишончига кириб олиш ниятида дўкондан унга турли ширикликлар олиб беради. Кейин кўп қаватли биноларнинг орқасига олиб ўтиб, қизчанинг қулоғидаги нархи 52.000 сўм турадиган зирагини, бир кўрай, деб алдаб ечиб олиб, воқеа жойидан яширинади. Сўнг зиракни Фарҳод бозорида номаълум шахсга 15.000 сўмга сотиб юборади.

Нафс балоси Д.Жавҳаровани тобора йўлдан оздириб борарди. Орадан кўп вақт ўтмай у яна мактабдан қайтаётган қизчаларнинг бирини тўхтатиб, уни турли йўллар билан алдаб, қулоғидаги 22.000 сўмлик зирагини ечиб олади ва 15.000 сўмга сотиб юборади.

Қилмиш қидирмиш, дейдилар. Ёш, норасида гўдакларни алдаб, ҳаром бойлик орттирган одамнинг аҳволи охири "вой" бўлиши барчага кундай равшан.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимларининг хатти-ҳаракатлари туфайли икки талончи қўлга олинди. Суд одилона ҳукм чиқариб, икки жиноятчига қонунга мувофиқ жазо тайинлади.

Бу воқеанинг кишини ўйга толдирадиган, мушоҳада юритишга ундайдиган томонлари жуда кўп. Икки фирибгар дугона бундай нопок қилмишлари билан ўз умрларини куйдиришди, аёл деган муқаддас номга доғ туширишди. Эҳтимол, улар жазони ўташ давомида ҳаётда масъум ва беғубор болаларни алдаш, уларнинг ҳақига кўз олайтириш яхши эмаслигини тушуниб етса, ажаб эмас.

Дарвоқе, ота-оналарга айтадиган бир гапимиз бор: эрта тонгда фарзандларингизни мактабга кузатар экансиз, уларга одатий насиҳатлардан ташқари фирибгарлардан эҳтиёт бўлишни уқтиришни ҳам унутманг!.

Шуҳрат МУСАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири
Гулмира ЭРМАТОВА,
ҳуқуқшунос

Bir jinoyat tarixi

АЁЛ ЎЧ ОЛАМАН ДЕСА...

Севги изтироблари 46 ёшли ақл-фаросатли аёлни бир эмас, икки қотилликка ундади. Суд уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Аммо суд залида жиноятчига нафақат ачинган, балки ўзини тутолмай йиғлаган кишилар ҳам бор эди...

Татьяна ўзининг туғилган кунига бағишланган юбилейини ўн саккиз ёшида биринчи марта қадам қўйган қадрдон тажриба-механика заводида нишонлади. Шу муносабат билан ҳамкасблари унга юрак шаклидаги тикилган ёстиқча совға қилишаркан, ёқимтойгина йигитга рўбарў келишини чин юракдан ният қилишди.

Танянинг бутун ҳаёти ана шу жамоа кўз ўнгида кечди. Завод ошхонасида комсомолчасига ўтказилган тўйда иштирок этишганлар ҳам, кўзи ёриганда гул кўтариб туғруқхонага боришган ҳам ана шу ҳамкасблари эди. Аслида Таня Муратова хурсандчиликни ҳам жойига қўядиган, оғир дамларда дардкаш бўла оладиган инсон эди. Ундан вафодор умр йўлдоши, болаларга меҳрибон она, яхшигина уй бекаси чиқиши шундоққина кўриниб турарди. Шунинг учун ҳам қотиллик содир этилгач, меҳнат жамоаси номидан судга берилган тавсифнома кўпроқ мукофотга тақдим этиш варақасига ўхшаб кетарди: **"Меҳнаткаш, интизомли, масъулиятли, ташаббускор, ишончли дўст, меҳрибон она"**, дея қайд этилган эди ўша тавсифномада.

Сирасини айтганда, Муратовларнинг бир пайтлар мустаҳкам саналган оиласи инқирозга юз тутган шўро тузуми парчаларига урилиб майдаланиб кетди. Танянинг қурилишда ишлайдиган эри ишидан айрилгач, ичкиликка ружу қўйди. Шундан сўнг Таня азбаройи фарзандлари тақдири ва сира чек-чегараси кўринмайдиган оилавий жанжаллардан қутулиш учун квартирасини алмаштириб, болалари билан алоҳида яшай бошлади. Ёлғиз ўзи болаларини оёққа қўйди, бири уйланди, бошқаси ўқишга кирди.

Умуман олганда, у ўзини бутунлай оиласига бағишлаган ва уни амал-тақал қилиб оёққа қўйиб олганди. Лекин кунлардан бирида унинг табиатида кутилмаганда ўзгариш юз кўрсатди: у ўзини мутлақо ёлғиз эканлигини ҳис қилиб қолди... Ахир, у ҳали ёш, куч-қувватдан қолмаган, аммо шахсий ҳаётини бутунлай унутиб қўйибди...

У ўзининг гулдек умри хазонга айланиб бораётганини ўйлаб, даҳшатга тушиб кетди. Юрагида нафис туйғулар бош кўтарди... Буни қаранг, унинг юрагимни жумбушга солган туйғуларга фариштa ҳам омин деган эканми, ишқилиб, дугоналарининг туғилган кунидаги ҳазили чинга айланди... Ўша зиёфат куни эридан ажрашган дугонаси бамисоли унинг учун аталган "совға" сифатида ўзи билан бирга турадиган эркакнинг 25 ёшли таниши Андрей Токаревни бошлаб келди...

ТАТЬЯНАНИНГ КУНДАЛИК ДАФТАРИДАН: "У менга шундай меҳр кўзи билан боқардики, унинг нигоҳидан юрагим бир зумда остин-устун бўлиб кетди. Унинг сўзларини айтмайсизми... Мен ўта оққўнгил, булоқ сувидай мусаффо аёл эканман... У бир умр менга ўхшаган аёл билан танишишни орзу қилган экан. Собиқ эримга ҳавас қилишини, агар уни ўрнида бўлганида мени ҳеч кимга ҳеч қачон бермаган бўлишини айтди".

Ўқ баайни нишонга теккан, у аёлнинг мудроқ тортган туйғуларини қутилмаганда жумбушга келтирган эди.

Ўша дақиқадан бошлаб, у аёл ўзини ҳам, дунёни ҳам унутган, ўзининг олов сингари аланга олган муносабатларидан сира уялмас, гарчи йигит билан ўзининг ёши ўртасида фарқ анча катта бўлса-да, буни яшириб ўтирмасди. Бир куни қўшниларидан бирининг «Боқволган боланг ким?» — деган тагдор саволига у кулиб, «Нима қилай, шу болакайни яхши кўриб қолдим», — деб жавоб берган эди.

Тез орада уларнинг муносабати қуюқлашиб кетди. Ёш йигитча кўч-кўронини кўтариб, Татьянанинг хонадонига кўчиб келди. Аёл кутилмаган бу бахтдан сармаст эди. У тунлари уйғониб кетиб, қабатида ётган Андрейга тикилиб тўймасди. Аммо бир куни у йигитнинг олдига масалани кўндаланг қўйди: "Агар буларни ҳаммаси вақтинча эрмак бўлса, бутунлай бошимни йўқотмасимдан ҳозироқ даф бўл! Чунки ярим йил ўтар-ўтмас ташлаб кетадиган бўлсанг, билиб қўй, сени ҳам, ўзимни ҳам ўлдираман".

Бироқ йигитча аёлнинг бу гапларини жиддий қабул қилмади, шунчаки ҳазилга йўйиб, кулиб қўя қолди. Она меҳрини кўрмай, бобосининг қўлида улғайган бу йигитчага оқ-қорани таниган бу аёлнинг адоқсиз меҳрибончиликлари, айниқса, парвонадек атрофида айланиши ёқарди. Бунинг устига Татьяна ёш қизлар сингари уни олиб бер, буни олиб бер, деб ҳархаша қилмас, совғаларга ҳуши йўқ, маошинг нега кам, деб жанжал ҳам кўтармасди.

ТАТЬЯНАНИНГ КУНДАЛИК ДАФТАРИДАН: "Мен уни ҳатто ҳаётимдан ҳам ортиқ кўраман, бир томондан ширин ва кўркинчли, ёшлигимдагига сира тенглаштириб бўлмайдиган, қандайдир телбанамо бахтга ўхшайди. Ўзимни шу қадар қудратли ҳис этаяпманки, ҳатто тоғни талқон қилиш ҳам қўлимдан келади. Аммо кўплар мени айбдор санашяпти. Бир нарсага сира тушунмайман, эркаклар ёш қизларни севиши мумкин-у, нега аёллар ёш йигитларни севиши мумкин эмас? Андрюша менга тақдирнинг иноъми ва мен ундан ҳеч қачон воз кечолмайман".

Нима бўлганда ҳам, изюмликлар Татьяна Муратовани қоралашдан чарчашмади. Жонажон корхонасида штатлар қисқариши муносабати билан раҳбарлар уни "қурбонлик" сифатида танлаб олишди. "Унинг эри ёш, керак бўлса, оиласини боқиб олсин", дейишди. Бироқ Татьяна ишдан кетгани билан пинагини ҳам бузгани йўқ. У ўзининг бахтидан маст эди. Шунинг учун у ўзини бошқа ишга урди, қўзиқоринларни қуритиб сота бошлади. Кичик ўғли ҳам бозор-ўчарга яраб қолди.

Қисқаси, уларнинг ана шундай ҳаёти роппа-роса бир йил давом этди. Ундан кейин эса эрининг бошқа аёлларга "айланишиб" қолганлиги тўғрисида мишмишлар Татьянанинг ҳам қулоғига етиб кела бошлади. Бироқ Андрей ҳар гал уни кулиб енгарди...

Ўтган йилнинг 27 сентябрида сир ошкор бўлди. «Болакай эр» шу куни тунда уйига келмади. Татьяна ўзини таҳқирлангандек ҳис этди, тонггача мижжа қоқмай чиқди. Эрталаб уйга эри кириб келганда, гина-кудрат тошларини отишга тушди. Бироқ бахтга қарши Андрей бу сафар уни юпатмади ҳам, аксинча, секингина буюмларини йиғиштириб, индамайнетмай уйдан чиқиб кетди. Энди Татьяна ўзини қўярга жой тополмай қолди. У кимларгадир қўнғироқ ҳам қилди, аллақандай дориларни ҳам каплаб ютди, ҳатто ўзига дор ҳам ясамоқчи бўлди.

Хуллас, кечга томон уни Андрей билан таништирган дугонаси уйга кириб келиб, ўзга бир нохуш хабарни айтди: эри 30 ёшли Анжелла деган боши очиқ аёлникида яшаётган экан. Гап орасида у Анжелла «Пролетар» кўчасида яшашини, шунингдек, 17 яшар ўғли ҳам борлигини шипшиб ўтди.

— Ҳозир ўша ерда, — деди дугонаси, — ўз кўзинг билан кўрмоқчи бўлсанг, юр, олиб бораман...

Аёл олов ичида ёнар, унинг юрагини ҳам алам, ҳам қасос, ҳам рашк ўти куйдирар эди. У телбаларча кўзлари бежо боқиб, дугонасига эргашиб уйдан чиқаркан, стол устидаги альбомнинг бир варағини йиртиб олиб, унга апил-тапил шундай сўзларни ёзди: "Қарғиш урсин сени, Андрей!". Кейин ошхонадан ош пичоқни олиб юбкасини камари остига яширди-да, ташқарига отилди...

Дарвоқе, ўша кун Анжела Макроусова хонадонида қуюқ зиёфат авжида эди. Танишлари Андрейни ҳаётида "янги саҳифа" очилганлиги билан қутлашга келишганди. Бироқ кутилмаганда эшик қўнғироғининг ваҳима билан жаранглаши меҳмонларни қалқитиб юборди. Ҳамма бир-бирига анграйиб қараб қолди.

— Ўтираверинглар, — дея меҳмонларни тинчлантирди Анжелла, — бу келган Андрюшанинг кампири бўлса керак, ҳозир мен уни таъзирини бериб қўяман...

Уй бекасига дугонаси Галя ҳам эргашди. Андрей эса маслаҳатга қулоқ тутиб, ўтирган жойидан қимирламади.

Кейинчалик судда айбланувчини гапига қараганда, ичкаридан чиққан аёллар унга нима деганини аниқ эслолмайди-ю, аммо унинг ориятини ерга уришганини аниқ билар экан. Уй бекасининг орқасида турган дугонаси Таняни қўлидан тортиб, кетишга кўндирмоқчи бўлган. У эса фақат Андрейни чақирарди. Сабаби, кўз-кўзга тушса, ўзини қучоғимга отади, деган ҳавойи бир фикр унинг ҳаёлини банд этиб олганди.

— Сен унинг олдида қариб-чўриб қолган кампирсан-ку, — деди унга киноя билан Анжелла, — у сендан қутулганига шукур қиляпти...

Айни шу дақиқада зарб билан урилган пичоқ Анжелланинг тўппа-тўғри юрагига санчилди.

Бақир-чақирни эшитиб, ичкаридан югуриб чиққан Андрей Татьянанинг елкасидан тутиб бақира бошлади: — Манжалақи! Нима қилиб қўйдинг?!

— Сени кўришга кўзим йўқ, — деди унга Татьяна нафрат тўлиб ва қўлидаги қип-қизил қонга бўялган пичоқ билан унинг қорнини чавақлаб ташлади...

Қотил аёлни ҳам Галинани касалхонага олиб кетаётган "Тез ёрдам"га чиқариб олишди. Чунки унинг қўлини ҳам пичоқ кесиб кетган, жароҳатни тикишга тўғри келди.

Унинг «Андрей қаерда?» деган саволига шифокорлар: «ўликхонада», деб жавоб бердилар.

— Демак, у Анжеллани танлабди-да, — дея дард билан оҳ урди Муратова

Қотилнинг адвокати, одатда, бундай зиддиятли ҳолатларда аёл гипнозга тушиб қолган, деган хулосага келганди. Айниқса, унинг уйда телбанамо мактуб қолдириши, пичоқнинг сопидан эмас, тиғ томонидан ушлаши, қотилликка қўл ургач, яширинишга уринмаслиги — буларнинг бари қотиллик олдиндан ўйлаб, сўнг амалга оширилмаган, деган фикрга асос бўларди. Лекин судьялар бу фикр билан мутлақо келиша олишмади. Судда қораловчи сифатида иштирок этган Харьков вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Василий Синчукнинг гапларига қараганда, айбланувчи унда қарама-қарши таассурот қолдирган:

— Бир томондан, у ёқимтой, ҳиссиётларга берилувчан, нозиктаъб аёлга ўхшайди, — дейди қораловчи, — иккинчи томондан, у ғирт ёлғончи... У қотиллик қилиш нияти бўлмаганлигини айтса-да, лекин муҳокамага пичоқ олиб боргани бунинг аксини кўрсатади.

Прокурор айбланувчига нисбатан энг олий жазо — умрбод қамоқ жазосини тайин этишни сўради. Судьялар бу фикрни қўллаб-қувватлашди.

Тергов давомида ҳам, вақтинча ҳибсда сақланиб турган пайтида ҳам Татьяна ўзи қўл урган қотилликдан қаттиқ пушаймон бўлди. Шу билан бирга у дугонасига бир мактубни бериб, Андрейнинг қабрига элтиб ташлашни илтимос қилади. Бу хатда қотил ўз қурбонидан кечирим сўраб, абадий севиши тўғрисида қасам ичган. Бундан ташқари, у кассация шикоятида шундай деб ёзади: **"Мен шундай оғир жазо бериладиган киллер ҳам, маньяк ҳам эмасман. Ўз қилмишимдан чин кўнгилдан пушаймонман. Чек-чегарасиз муҳаббатим мени оқлайди".**

Татьянанинг дугонасига йўллаган сўнгги мактубидан:

"Мен ўлимдан қўркмайман, аксинча, яшашдан қўрқаман. Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳар куни ўйлаб, ўкинаман. Андрюша учун йиғлаб-сиқтайман. Юрагим ёрилиб ўлганимда эди, буни бахт деб билган бўлардим. Ким билади, балки яна узоқ йиллар яшашга тўғри келар?!."

Украина Олий суди жазони ўз кучида қолдирди. Татьяна Украинада умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган олтинчи аёлдир. Уни олдида ҳали кўп йиллар садист ва болаларни ўлдирган, ашаддий жиноятчилар орасида яшаш азоби кутиб турибди.

"Труд-7" (168-сон) газетасидан
Рустам ХУДОЙҚУЛ таржимаси

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

НИКОҲДАН АЖРАЛИШ

у қандай тартибда қайд этилади?

Кундалик ҳаётда эр-хотиннинг ажралиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Қонунчиликка биноан қўйидаги ҳолларда эр-хотинларнинг бирининг аризасига кўра ФҲДЁ идорасида никоҳдан ажратиш қайд этилади;

1. Суд томонидан бедарак йўқолган, асаб касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса (бунда аризага қўшимча равишда эр(хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилгани тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарори илова қилинади);

2. Содир этган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борйўқлигидан қатъи назар (бунда эр(хотин)нинг 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилингани тўғрисида қонуний кучга кирган суд ҳукмидан кўчирма, шунингдек, судланган эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга ўртада болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги розилиги аризага қўшимча равишда илова қилинади).

Агар судланган, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс болалари, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Афсуски, айрим ФҲДЁ идораларида қонун талабларини тўғри англамаслик оқибатида эр (хотин)дан бири 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилганда жазони ўтаётган томоннинг ёзма фикри олинмасдан никоҳ бекор қилинмоқда. Бу эса бир томоннинг ҳуқуқларини поймол қилиб, адолат тамойилларига путур етказади.

"Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 115-бандида бу ҳолатга тўлиқ ойдинлик киритилган бўлиб, барча ФҲДЁ идоралари бунга риоя қилишга мажбурдир. Ушбу банд талабига кўра содир этган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ижро этиш муассасада ўтаётган шахс билан никоҳдан ажралишни ҳоҳловчи эр(хотин) ўз аризасида судланган шахснинг жазони ўтаётган жойини муассаса манзили кўрсатиши лозим.

Ўз навбатида аризани қабул қилган ФҲДЁ идораси шу куниёқ бу тўғрида жазони ижро этиш муассасига хабарнома жўнатади. Муассаса маъмурияти эса хабарномани олгач, 2 ҳафта мобайнида ФҲДЁ идорасига маҳкумнинг аризачи билан ўртада болалар ва мол-мулк тўғрисида низоси йўқлиги ҳақида ёзма равишда билдиришнома тақдим этади.

Маҳкумнинг никоҳдан ажратишга розилиги олингандан сўнг ўртада болалар ва мол-мулк юзасидан низолар йўқ бўлган тақдирда ФҲДЁ идораси ариза берувчи иштирокида никоҳдан ажратишни қайд этади.

Мабодо маҳкум томонидан хабарномада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан низо борлиги билдирилса, у ҳолда ФҲДЁ идораси озодликда қолган томоннинг аризасини рад қилиб, унга мурожаат қилиш тартибини тушунтирган ҳолда расмий жавоб юбориши зарур.

Сунбуланинг илк кунлари

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Jurnalist surishtiruvi

ЎН УЧ ЙИЛЛИК МОЖАРО

унга ким нуқта қўяди?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

4. 2002 йил 16 декабр куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси А.Юсупов раислигида ушбу фуқаролик иши кўрилиб, Андижон шаҳар судининг 1994 йил 20 октябр кунги Каримжон Эшонов даъвогарлигидаги, Абдурасул Мухторов жавобгарлигидаги фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда ўз кучида экани ва унинг юзасидан тарафлар томонидан шикоят қилинмагани учун иш юритишдан тугатилди. Зотан, Фуқаролик Процессуал Кодекснинг 100-моддаси 2-қисмида **"Айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан судни қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади"** деб кўрсатилган.

5. 2003 йил 20 март куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг кассация судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида судья А.Қодиров раислигида юқоридаги ажримга нисбатан яна даъвогар Х.Мамадалиевнинг кассация шикояти ҳамда Андижон шаҳар прокурори томонидан келтирилган хусусий протести фуқаролик иши материалларига қўшиб кассация тартибида кўриб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2002 йил 16 декабр кунги (юқоридаги) "Ишни юритишни тугатиш" тўғрисидаги ажрими бекор қилинди. Фуқаролик иши янгитдан кўриш учун ушбу суднинг бошқа таркибига юборилди.

Сўнгги сўз ўрнида: Бу можаро юзасидан судьялар ҳали кўп тортишади, фикрлашади чоғи... Майли, бу уларнинг иши. Лекин мантиққа суяниб айтадиган бўлсак, нега энди фуқаро Каримжон Эшоновнинг шаҳар ҳокимининг қарори билан олган ер участкасига дахлдор низо ўз ечимини топмаяпти. Предмет битта, даъвогар иккита. Фуқаролик Кодексининг 150-моддасида белгиланган даъво муддати 3 йил деб кўрсатилган. Саккиз йилдан кейинги даъво-ю муҳокамалар тўғримикин?! Буни ортидаги сарсон-саргардонлик, асаббузарликни тасаввур этиш қийин эмас. Бунинг учун ким жавоб беради?!

Энг муҳим масала фуқаролик ишлари бўйича судларнинг учта қарори бир хил бўлса-ю, вилоят суди уларни бекор қилаверса... Ёки қонунни ҳар ким ҳар хил тушунадими?! Буни қандай изоҳлаш мумкин?!

Албатта, биз кимнидир ҳақ, кимнидир ноҳақ дейиш фикридан йироқмиз.

Биз учун энг муҳими қонун устуворлиги, адолат тантанаси, кўп йиллик можаронинг адолатли ечим топишидир.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Armon va afsus

ҚОТИЛ ҚАЙНОҒА

Ўтган қиш фаслида Ангор туманида қор кўп ёғди. Ана шундай изғиринли кунларнинг бирида Юнус акаси Анварнинг хонадонини зимдан кузата бошлади. Анвар Термиз дарё портига қатнаб ишлаши боис икки ҳафтада бир марта уйига келарди. Бундан хабардор бўлган Юнус ниҳоят анчадан бери ўйлаб юрган қабиҳ режасини амалга оширишга киришди.

Қаҳратон қиш кечаларининг бирида қалби ва виждони музлаб қолган Юнус изғирин совуқни ҳам писанд этмай акасининг уйи олдида пайдо бўлди ва эшигини тақиллатди. Мўъжазгина уйнинг эшиги ярим тунда бевақт тақиллаганидан хавотир олган Анварнинг хотини Манзура эшик ортидан Юнусни сўроққа тутди.

— Юнусман, йўл-йўлакай бир хабарлашиб кетай, дегандим...

Манзура қайноғасининг таниш овозини эшитиб эшикни очди ва уни ичкарига таклиф этди. Бироқ шу пайт бехосдан тушган қаттиқ зарбдан чалқанчасига ерга йиқилиб тушди. Шунда Юнус ваҳшийларча Манзурага ёпиша кетди. Бироқ Манзура ҳам бўш келмади — бор кучи билан қаршилик кўрсатди. Ожиза аёл қўллари билан қайноғанинг юзларини тирнади, баданларига чанг солди. Аммо кетма-кет тушган мушт зарбидан тез орада ҳушини йўқотди. Шу пайт Юнусни кўзи стол устида турган пичоққа тушди. Ўйлаб ҳам ўтирмай пичоқни қўлига олиб, уни Манзуранинг бўйнига кетма-кет санчди. Баданига 16 марта тиғ урилган Манзура қийнала-қийнала бу ёруғ дунё билан абадий видолашди. Қотил янгасининг жонсиз танасига ҳиссиз тикилиб турганда тўс-тўполондан уйғониб кетган норасида гўдак Аваз онасининг қонга ботиб ётганини кўриб, қўрқувдан чинқираб юборди. Боланинг уйғониб қолгани қотил кўнглига хавотир солди. "Эртага гувоҳ бўлмасин", деган фикрга келган қотил норасида Авазнинг ҳам бўйнига пичоқ тортди...

Кўзи қонга тўлган Юнус бу билан чекланмади. У энди бошқа хонада бу дунёнинг жами жирканч ишларидан бехабар уйқуда ётган бегуноҳ Хуршида ёнида пайдо бўлди. Омбурдек темир панжалар қизалоқнинг бўйнига ёпишди ва осуда уйқудаги қизалоқнинг кўзи абадий юмилди.

Қотил манфур ниятига етгач, мурдаларни уй ўртасига тўпладди ва уларнинг устига ҳар хил буюмларни уйди. Кейин эса уларга керосин сепиб чиқди. Уйга ўт қўйишдан олдин уйнинг тўрида турган сандиқдаги 113 минг сўм пулни чўнтакка урдида, шоша-пиша кўчага отилди.

Тезкор гуруҳ вакиллари жиноят содир этилган хонадонга етиб келишганда даҳшатли манзарани кўришди. Шундан сўнг суриштирув ишлари бошланди. Бу орада нохуш хабарни эшитган Манзуранинг эри Анвар Жўраев дод солганича уйга кириб келди. Уни қаршилаган қотил укаси Юнус "Акажон, тақдир экан. Мусибатингизга шерикман. Ўзим қотилни топиб, мана шу қўлларим билан уни бўғиб ўлдираман! Ишонинг, албатта, қасос оламан", дея бўкириб йиғларди.

Юнус бу хатти-ҳаракатлари билан атрофдаги одамлар, қолаверса, акасининг ишончини қозониб, терговни чалғитишга уринарди. Тезкор гуруҳ аъзоларнинг ёнидан жилмасди...

Тезкор гуруҳ вакиллари эса жиноятни очиш учун далил тўплар, ҳар бир нарса уларнинг эътиборидан четда қолмаётган эди.

Шу тариқа кўплаб тафсилотлар ва жиноятга доир барча далиллар чуқур таҳлил этилди. Орадан бир кеча-кундуз ўтди. Далиллар қотиллик Юнус томонидан амалга оширилганини кўрсатар эди. Чунки Манзуранинг юзида унинг бармоқ излари сақланиб қолган эди. Ана шундай рад этиб бўлмас далиллар асосида Юнус Жўраевнинг ваҳшиёна тарзда қотиллик содир этгани исботланди.

Яқинда бўлиб ўтган суд ҳукми билан қотилга муносиб жазо тайинланди. Аммо гуноҳсиз уч нафар инсоннинг бевақт ўлими ва содир этилган ваҳшийлик қишлоқ аҳли қалбини ларзага солди. Арзимаган пул учун шундай ваҳшийликка қўл урган манфур кимсанинг жирканч қилмиши одамларда нафрат уйғотиши баробарида армон бўлиб қолди. Чунки бегуноҳ аёл ва норасида гўдакларнинг тақдири ҳар қандай виждонли инсонни мушоҳадага чорлайди ва кўнглида чексиз ачиниш ҳиссини уйғотади.

Сафар САФАРОВ,
ҳуқуқшунос

ЭЪЛОН

«Панорама» МЧЖ универсал биржаси лицензияга эга бўлмаганлиги учун ўз ихтиёри билан тугатилишини эълон қилади. Даъво ва эътирозлар билан эълон чиққан кундан бошлаб, 2 (икки) ой муддатда мурожжат қилишингиз мумкин. **Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 21-уй. Телефон: 33-51-49, 33-38-35.**

ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Департаментнинг Ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими бошлиғи ***Аъзам ЮНУСОВнинг*** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-719. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50